

Fidoyilik – vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 26-fevral, shanba, 23 (23.590)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https:/www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https:/twitter.com/zarnews_uz

**КУН ҲИКМАТИ**

Низоларни шуҳратпараст ва нодонлар келтириб чиқаради, азобини эса халқ тортади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли кучлар резервига бўшатиш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2022 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан, чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув даврида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2022 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2022 йил 22 февраль*



# ЧИҚИНДИДАН ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУР ишлаб чиқарилмоқда



**Тойлоқ туманидаги Ворсин маҳалласида 2020 йил чиқиндини қайта ишловчи "Sam Star Plast" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаган эди. Ҳозирги кунда корхонада полиэтилен қувур ишлаб чиқарилмоқда.**

- 2019 йилда "Агробанк" Тойлоқ филиалидан 800 миллион сўм имтиёзли кредит олгандик, - дейди корхона раҳбари ўринбосари Илёс Сожалилов. – Хитойдан полиэтилен маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар келтириб, 2020 йилда чиқиндидан полиэтилен маҳсулотлари ва ундан полиэтилен трубаларини ишлаб чиқаришни бошладик. Ҳозир корхонамизда 12 нафар ишчи фаолият юритади. Ойига 40-45 тонна маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, томчилатиб суғоришга мўлжалланган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

**Ф.РЎЗИБОЕВ.**

## МУАММО АДВОКАТДА ЭМАС, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА

### Ёки прокурорнинг суд биносига бемалол кириб-чиқишини чеклаш керак эмасми?



**Ҳар қандай одам бирор кўнгилсизликка дуч келганда, ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Аммо айрим ҳолатлар борки, бунда табиийки, малакали ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёж сезилади.**
**Шу маънода, адвокатура, жумладан, адвокатнинг ўрни, хизмати жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ табиий савол туғилади, бугун Самарқандда мазкур институтнинг роли қандай бўляпти? Соҳа ривожида қандай муаммолар бор?**
**Мазкур саволлар билан Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тоҳир Қодировга мурожаат қилдик.**

*(Давоми 2-саҳифада)* »»

## Ҳамма иш очиқ ва ошкора бўлиши керак

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги 58-сессиясида мутасаддиларнинг ҳисоботлари "ими-жими"да ўтиб кетишига йўл қўйилмади. Кенгаш котибияти мудири Ш.Йўлдошев бошқарган сессия ишида депутатлар ҳар бир масала юзасидан аниқ муаммоларни кўтаришди. Улар бўйича раҳбарларнинг асосли фикрлари сўралди.**

**ЙЎЛ АСФАЛЬТ БЎЛГАЧ, КАВЛАНЯПТИ, НЕГА?**

Вилоят ҳокими ўринбосари А.Шукуровнинг қайд этишича, жорий йилда шаҳар-туманларда 143 та (шундан 31 таси йилдан-йилга ўтувчи) объектни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари белгиланган. Объектларнинг умумий қиймати 1 триллион 170 миллиард 495,9 миллион сўмни ташкил этади.

Шундан 94 та ижтимоий соҳа объектида вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида 440,7 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилади. Жумладан, 40 та умумтаълим мактаби, 1 та 480 ўринли ижод ва ихтисослаштирилган мактаб, 20 та мактабгача таълим ташкилоти, 10 та соғлиқни сақлаш объекти қуриш-таъмирлаш режалаштирилган.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қурилиш ташкилотлари иштирокида 15 иш кунида инсон факторни аралашмасдан, тендер танловлари ўтказилади. Бунинг учун вилоятдаги объектлар ҳақидаги эълон навбати билан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот платформасига жойлаштирилмоқда.

- Энди йўлни қуришдан аввал сув ва канализация, табиий газ тармоқларини ўтказиш ёки таъмирлаш масаласи кўриб чиқилади, - деди А.Шукуров ҳисобот юзасидан берилган саволга жавобан. – Умуман, қурилиш соҳасида ишни тизимли ташкил қилиш шахсан давлатимиз раҳбарининг назоратига олинган.

Қизғин муҳокамалар давомида қаерда мактаб қуриш, қайси бирини таъмирлаш вазифаси дастурга қай тартибда киритилаётганини ўрганиш таклиф қилинди.

**ДАРАХТ КЕСИШСА, (66) 2393777 ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ**

Сессияда ҳисобот берган вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи А.Раимжоновнинг айтишича, чиқинди полигонларини жиҳозлаш учун маблағга зарурат туғилмоқда.

- Чунки қурилиш-бунёдкорлик ишлари йил сайин кенгайиб бормоқда, - деди А.Раимжонов. - Табиийки, ҳосил бўлаётган чиқинди ҳажми ҳам ортяпти. Ваҳоланки, уларни аниқ бир жойга тўплаб, қайта ишлаш орқали иккиламчи хомашёга айлантириш мумкин. Айни пайтда вилоятда 22 та корхона чиқиндиларни саралаб, иккиламчи маҳсулотларни йиғиб олиш билан шуғулланяпти. Агар 3 та туманда чиқинди полигонлари қурилиб, жиҳозланадиган бўлса, уларнинг сони янада ортиши табиий. Бу ўз навбатида янги иш ўринлари яратиш, бунёдкорлик соҳасида хомашё танқислигининг олдини олиш ва таннархни пасайтириш имконини беради.

Бошқарма бошлиғининг қайд этишича, бугунги кунда шаҳар-туманлардаги таълим ва тиббиёт муассасаларига 3322 та контейнер керак. Ушбу муассасаларда чиқиндиларни йиғиш ва белгиланган жойга ташиш учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ зарур.

Депутатлар сўралган маблағни маҳаллий бюджетдан ажратишни қўллаб-қувватлаб, маҳаллалардан чиқиндини ташиш бўйича хонадонлар билан индивидуал шартнома тузишни тавсия қилди.

Берилган саволларга жавоб қайтараркан, А.Раимжонов экология ва атроф-муҳит масаласи билан боғлиқ қонун бузилишлари ҳақида (66) 2393777 га қўнғироқ қилиш мумкинлигини қайд этди.

**ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАН**

Сессия ишида бу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Масала юзасидан сўз олган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзов ўтган йилда туманларда 5 та оилавий поликлиника ва 6 та оилавий шифокорлик пункти фаолияти йўлга қўйилганини билдирди. Жорий йилда 4 та оилавий поликлиника ва 7 та оилавий шифокорлик пункти иш бошлайди.

Тиббиёт бригадалари 3,7 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан мобил тиббиёт-диагностика воситалари - 300 та компьютер, 290 та планшет, 60 та принтер, телекоммуникация қурилмалари ва тиббий диагностика воситалари, оилавий поликлиникалар замонавий УТТ ва 43 та ЭКГ аппарати билан таъминланди. Вилоят маҳаллий бюджетининг 1 миллиард 350 миллион сўм маблағи асосида махсус жиҳозланган мобил тиббий комплекс (автобус) харид қилиниб, 867 миллион 313 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозланган.

**ХЎРАКИ УЗУМ ҒАЛЛАДАН КЎРА ДАРОМАДЛИ**

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи С.Ҳакимов шу фикрни билдириб, уни аниқ фактлар билан асослаб берди. Туманларда узумчиликни ривожлантириш борасидаги ишларни қайд қилган мутасадди берилаётган имтиёз ва имкониятларни санаб ўтди.

Таъкидланишича, бугунги кунда вилоятда 6 та узумчилик кластери ва 2 та узумчилик кооперацияси ташкил этилган. Булунғур, Иштихон, Каттақўрғон, Пайариқ, Ургут ва Қўшработ туманлари узумчиликка ихтисослаштирилиб, 2024 йилгача 18,2 минг гектар ерда кластер, фермер хўжаликлари, аҳоли хонадонларида янги токзорлар барпо этиш режалаштирилган.

Депутатлар соҳадаги ишларни эътироф этган ҳолда виночилик туризми ўз ҳолига ташлаб қўйилганини билдирди. Шунингдек, тизимда берилаётган имтиёз ва имкониятларни кенг жамоатчиликка етказиш тизимли эмаслиги билдирилди.

Қайд этилишича, сув тежовчи технологиялар жорий этилган узумзорларга жорий йилда 61,7 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилади. Шунингдек, вилоятдаги 173 та маҳаллалардаги 81,1 мингта хонадонларга 1,6 миллион дона кўчат экиш белгиланган.

Умуман, сессия давомида жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга мўлжалланган сув кам бўлиши, бу борада зарур чораларни кўриш кераклиги айтилди. Қайд этилганидек, айни пайтда сув омборларида 230 миллион кубометр сув камлиги танқислик бўлишини билдиради. Туманларда 79 минг гектар сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Йил якунигача бу кўрсаткич 90 мингдан ошиши режалаштирилган.

Сессия ишида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар белгилаб олинди.

Депутатлар шунингдек, вилоятда халқ таълими тизимини 2022 йилда ривожлантириш ҳудудий дастури тақдимоти ҳамда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиб, тегишли қарорлар қабул қилишди.

»» Бугуннинг гапи

**Биз мусаффо осмон ҳақида гапира туриб, баъзида буни киноя остига ҳам олдик. Ҳатто у ёки бу ҳудудларда норозилик бўй кўрсатиб турган пайтда "эҳтимол, тинчлик учун шукур қилиб ўтиринглар дейишимиз учун атай уюштирилаётгандир", деган фикрларни айтишдан уялмадик.**

## Ҳар қандай УРУШ МАҒЛУБИЯТдир

Бугун эса осмонимиз мусаффо дейишдан уялганлар уруш ва унинг оқибатлари ҳақида гапирмоқда. Албатта, бу масалада улар ҳақ. Йигирма биринчи асрда, илм-фан, инсон тафаккури юксак чўққиларни забт этаётган, нанотехнологиялар ривожланаётган бир пайтда уруш сўзини эшитиш инсонга жуда оғир ботади.

Бутун дунёда ахборот уруши бошланган, эндиги навбат бактериологик жангларга деган гап-сўзлар айтилиб, бизни доим ваҳимага солиб турган бир пайтда танклар билан қайсидир давлат бошқа мамлакатга ҳужум қилиши мумкинлиги кишини ҳайрат ва ғазабга солади, албатта.

Афсуски, бу юз бермоқда. Ён қўшнимиз бўлган мамлакатда бўлиб ўтган воқеликлар ўша пайти барчамизни сергакликка чорлаган бўлса, айни пайтда юз бераётган Россия - Украина воқеалари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг бош мавзусига айланди.

Бугун қайсидир давлатдаги муаммолар бошқа давлатга тегишли бўлмайди, деган қараш аллақачон эскирган. Ҳар қандай нотинчлик, у жуда кичик бўлса-да, инсоният учун ўз сабоғини беради. Айниқса, ушбу нотинчлик қўшни давлатларда юз бераётган бўлса.

Ташқи сиёсат барча замонларда ҳам энг мураккаб жараён бўлиб келган. Бугун ён қўшниси билан бир қарич ер учун келишолмай, судлашиб юрганлар жуда кўп деймиз ва бундай воқеаларга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Лекин баъзида ўз қўшниси билан муросага кела билмаган одамнинг давлатимиз мана бу ишларни бажара олмаяпти, деган гапларни айтгани ҳайратланарли.

Бугунги жамият учун ташқи сиёсат моҳирона дипломатия ва келишувдир. Фақатгина тинчликни асраш учун кези келганда жуда кўп манфаатлардан воз кечилган фурсатлар бўлганлиги шубҳасиз. Буни мамлакатимиз миқёсида ҳам жуда кўп мисоллар орқали айтиш мумкин. Қўшни давлатлар билан муроса қилиш, ривожланган давлатлар билан музокарада ўз манфаатларимизни кўзлаган ҳолда иш олиб бориш энг нозик ва пухта дипломатия саналади. Тўғри, бу масалада бир ёқлама ёндашув ҳам бўлиши мумкин.

Тинчликни ўйлаб, шунингдек, муросаю мадора қилиб, давлатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўя олиш янаям катта ютуқ. Тинчлик, хотиржамлик бўлмас экан, ҳар қандай эришилган ютуқлар арзимас бўлиб қолиши мумкин, одамлар яхши яшамас экан, нотинчлик юзага келиши хавфи ҳар доим мавжуд. Тарозининг бу палласини бир хил ушлаб туриш эса кучли сиёсий ирода, маҳорат ва тажриба деганидир. "Қўл узатиш", яъни бағрикенглик сиёсати деганидир бу.

Аскарлар ўлими, оналар йиғиси, гўдаклар фарёдига олиб келаётган ҳар қандай уруш мағлубиятдир.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

## Китобхонлик фестивали ғолиблари тақдирланди

**Жорий йилнинг 21-25 февраль кунлари вилоятимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида беш муҳим ташаббус доирасида китобхонлик маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилди. Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ушбу ҳафталикнинг сарҳисоби, фестиваль ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.**

Фестивалда "Эртаклар билимдони", "Менинг кутубхонам", "Китобхон оила" ҳамда "Йилнинг энг яхши китоб тақдимоти" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

- Ҳафтанинг ҳар бир кунини китобхонлик, спорт, мусиқа машғулот кунлари сифатида белгилаб олганмиз, - дейди "Китобхон оила" номинацияси ғолиби, Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Саида Элмуродова. – Биз ўтган йил шаҳар босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни олган эдик. Бу йилги танловда бошқа китобхон оилалар ҳам кучли тайёргарликка эга эди. Айниқса, танловнинг финал босқичи қизғин ўтди.

Тадбир сўнгида ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.




# МУАММО АДВОКАТДА ЭМАС, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА

## Ёки прокурорнинг суд биносига бемалол кириб-чиқишини чеклаш керак эмасми?

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**- Тоҳир ака, амалдаги тартибга кўра, адвокатлик лицензия талаб қилинувчи фаолият турларидан бири ҳисобланади. Аввало, лицензия ким томонидан ва қай тартибда берилиши ҳақида айтиб ўтсангиз.**

- Тегишли қонун ҳужжатларига асосан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари томонидан Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарори асосида берилади.

Лицензия олиб, адвокат мақомига эга бўлиш учун талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмаларининг бирида камида уч ой стажировка ўтаган ҳамда малака имтиҳонини топширган бўлиши шарт.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахс лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳони топширгандан кейин уч ой ичида мурожаат қилиши белгиланган.

**- Назаримда, Самарқанд вилоятида ўткир, ўз ишининг устаси бўлган адвокатлар кам деб ўйлайман. Бошқача айтганда, соҳа вакилларининг жамиятдаги ўрни сезиларни даражада ўзгармаяпти. Бунга мисолни биргина адвокатларнинг сони ўсмаётганлигидан ҳам кўриш мумкин.**

- Фикрингизга қўшилмайман. Чунки вилоятимизда ўз ишининг устаси, ўткир, юқори касб маҳоратига эга бўлган ҳамда бир қанча жиноят ишларида қатнашиб, оқлов ҳукмлари чиқарилишига эришган, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ишлардаги яхши ютуқлари билан обрў-эътибор қозонган кўплаб адвокатлар хизмат қилмоқда.

Мисол учун, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг 65 фоизи аввал бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият кўрсатган. Яъни, ишонч билан айта оламанки, адвокатларимизнинг катта қисми тажрибали ва билимли ҳуқуқшунослар.

Бундан ташқари, адвокатларимиз сафи олдинги йилларга қараганда сезиларли даражада кенгайди. Чунки ўтган йили вилоятимизда 70 нафар талабгор малака имтиҳонини топшириб, адвокат мақомига эга бўлди. Аҳамиятлиси, улардан 60 нафари илгари тергов, суд, прокуратура, божхона соҳаларида ишлаган, катта юридик билим ва тажрибага эга кишилардир.

Ўтган йили республикамизда фаолият кўрсатаётган 4800 нафар адвокат орасида ягона - Самарқанд шаҳар "Темирйўл" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Муҳаббат Абдураҳмонова Президентимиз фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани ҳам вилоятимизда адвокатуранинг нуфузини кўрсатиб турибди.

Аслида, кейинги пайтда адвокатлар етишмайди, деган масала кўтарилиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам аҳоли жон бошига қиёслаганда, адвокатлар жуда кам. Масалан, бугунги кунда вилоятимизда мавжуд 15 та адвокат ҳайъати, 27 та адвокатлик фирмаси, 46 та адвокатлик бюросида 420 нафардан кўпроқ адвокат (шундан 105 нафари аёл) фаолият олиб бормоқда. Лекин бу адвокатлар етишмаяпти, деган хулосани келтириб чиқармайди.

**- Хўш, сизнингча, асл муаммо нимада?**

- Конституциямизда малакали ҳимоя кафолатланган, уни амалга ошириш эса адвокатура зиммасига юклатилган. Малакали ҳимояни амалга ошириш учун табиийки, адвокатлар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилиши керак. Бунинг учун соҳага ёш, билимли кадрлар кириб келишига кенг имкониятлар яратиш лозим. Бизда эса ёш адвокатларнинг касбга кириб келишига қонун билан тўсиқ қўйилган.

Вилоятимизда 30 ёшгача бўлган адвокатлар 2 нафар, 70 ёшдан ошган адвокатлар эса 18 нафар эканлиги ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Умидлантирадиган жиҳат шуки, адвокатурадаги айрим муаммоларни тизимли ҳал қилиш мақсадида соҳанинг жозибадорлигини ошириш ва адвокатлик касбини эгаллаш механизмини енгиллаштириш борасида ислоҳотлар бошланган. Мисол учун, иш стажига бўлган талабларни юмшатиш, ортиқча қоғозбозлик, лицензия бериш тизимини такомиллаштириш каби масалалар тегишли тартибда кўриб чиқиляпти. Бундан ташқари, жорий йил давлат дастурида ҳам адвокатура тизимини ривожлантириш, унинг процессуал мақомини кучайтириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш масалалари белгиланган.

**- Адвокатура ривожида тўсиқ бўлаётган, аммо ечими ҳудудий бошқарув органлари билан боғлиқ муаммолар ҳам борми?**

- Албатта, бор. Мисол учун, тажрибали ва юқори малакага эга адвокатлар ўзлари яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинида бепул хизмат кўрсатиш учун шартнома имзолаб, шанба ва якшанба кунлари аҳолига қулай пайтда оғзаки маслаҳатлар бериб келмоқда. Лекин айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари талаб даражасидаги бино ва иншоотларга эга эмас. Аксарият маҳаллалар хусусий секторга тегишли ёки мослаштирилган бинода ўзлари қийинчилик билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳудудий бошқарма томонидан туман ва шаҳар ҳокимликларига адвокатлик тузилмалари иш юритиши учун шароит яратиш, ер майдонлари ажратиш масаласида бир неча марта мурожаат қилганмиз. Афсуски, бу ҳеч қандай натижа бергани йўқ. Ваҳоланки, Президентнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан адвокатлик тузилмаларига ер ажратиш, бино ва иншоотлар билан таъминлаш масаласи алоҳида белгиланган эди.

**- Жорий йилда муайян адвокатлик хизматини кўрсатганлик учун бюджетдан пул ажратиш режалаштирилган. Бу янгилик жорий қилинишига нима сабаб бўлди?**

- Аслида адвокатлик хизмати учун бюджетдан пул ажратилиши янгилик эмас. Чунки шу пайтгача ҳар йили ҳам адвокатлар хизмати учун айрим тоифадаги ишларда қатнашганлиги учун давлат бюджетининг харажатлари параметрларида маблағлар ажратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги "Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва унга кейинчалик киритилган ўзгартиришларда бу борада аниқ нормалар белгиланган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади (лекин фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларда адвокатлар қатнашганлиги учун давлат ҳисобидан маблағ тўланиши кўзда тутилмаган).

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларда ҳам қатнашганликлари учун адвокатлар хизматига тегишли суднинг ажримига асосан харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланиши тўғрисидаги қонун лойиҳаси киритилди.

**- Ислоҳотлар ҳақида анча ижобий фикрлар билдирдингиз. Аммо барибир суд-ҳуқуқ тизимини идеалдан узоқлигини инкор этмасангиз керак, албатта. Сизнингча, айни пайтда тизимда қандай оғриқли муаммолар мавжуд ва уларни бартараф этиш учун қандай таклифларингиз бор?**

- Тўғри, суд идоралари фаолиятини ҳали рисоладагидек деб бўлмайди. Тизимли муаммолар топилади. Оддий мисол, адвокатлар ва бошқа суд иштирокчилари кўпинча суд мажлислари бошланишини кутиб қолади. Судьялар адвокатлар ва иш бўйича тарафларни атай куттиради, демоқчи эмасман, иш вақтида кўрилишидан судья ҳам манфаатдор, албатта. Айрим вақтларда иш судьянинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан чўзилиб кетиши мумкин. Менимча, судларда ана шу ҳолатларни инобатга олиб, ишларни тўғри ташкил қилиш керак.

Бундан ташқари, адвокатура соҳасининг ва адвокатлик касбининг обрўсини ошириш юқори минбарлардан айтилаётган бир пайтда судлар маъмурий биносига прокурорларнинг бемалол кириб чиқишига барҳам бериши керак. Чунки адвокат мижоз, уларнинг яқинлари, гувоҳлар ва бошқа кишилар билан суд мажлиси бошланишини кутиб турган бир пайтда прокурор ёки прокуратура вакилининг суд биносига бемалол йўл олиши ёки судьяларнинг хизмат хонасига кириб чиқиши адвокатни суд процесси иштирокчилари олдида ноқулай аҳволда қолдиради. Шунингдек, бу судга нисбатан ҳурматсизлик ҳам ҳисобланади. Бу судьянинг мустақиллиги, холислиги ва у чиқарган қарорнинг қонуний ва адолатлилигига соя соладиган воқелик.

**- "Адвокатнинг жамиятда обрўси йўқ, унинг фикрлари, қонуний талаблари кўп ҳолларда суд-тергов идораларининг мансабдор шахслари томонидан инобатга олинмайди, адвокатга қонун билан етарлича ваколат берилмаган", қабилидаги фикрларни баъзан адвокатларнинг ўзидан эшитиб қоламиз. Бу иддаоларга муносабатингиз.**

- Адвокатлик обрўли касб эмас деган фикрга қўшилмайман. Бу ҳамиша ҳар ерда нуфузли касблардан бири бўлган.

Ҳа, асосли ва қонуний талабларимиз, илтимосномаларимиз тергов ва суд идоралари томонидан рад этилиши ҳоллари бўлади, лекин қонун ва тартиб-таомиллардан бир оз бўлса-да, хабардор мижозлар - биз ҳимоя қилаётган шахслар, даъвогарлар, жавобгарлар ва бошқалар айб адвокатда эмас, балки суд ва тергов органларида эканини яхши тушунади.

Шу билан бирга, профессионал жиҳатдан суст, беғам адвокатлар ҳам борлигини, улар касбимиз обрўсига доғ тушираётганини ҳам тан оламан. Аслида, ишни қабул қилаётган адвокат уни қонун йўл берадиган даражада муваффақиятли якунлашига ишончи комил бўлиши керак. Ўзига боғлиқ барча чора-тадбирларни кўриши, амалиёт ва тегишли адабиётлар билан таниш бўлиши, зарур ҳолларда мутахассисларни жалб қилиши ва конфиденциалликни сақлаган ҳолда тажрибали ҳамкасблари билан маслаҳатлашиши лозим. Афсуски, айрим адвокатлар пулга ўчлиги ёки шошқалоқлиги туфайли зиммасига ортиқча юк олиб, пировардида мижози олдида юзи шувут бўлади.

**- Шундай бир шароитда палата олдида турган вазифалар нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз?**

- Авваломбор, адвокатларимизнинг касбий билимларини мунтазам ошириб бориш чораларини кўришимиз керак. Негаки, қонунларга киритилаётган ўзгаришларнинг одамларга фойдаси тегиши учун профессионал адвокат уларни амалиётда қўллай билиши, қатъият билан талаб қила олиши шарт. Акс ҳолда, қонунлар ишламай қолаверади.

Яна бир вазифамиз - адвокатларни доимий "қуроллантириб бориш" чораларини кўриш, яъни уларни услубий қўлланмалар билан таъминлаш.

**- Мазмунли суҳбат учун ташаккур!**

**Ёқубжон МАРҚАЕВ суҳбатлашди.**

# Тиббий суғурта учун пул касабадан олинса...

**Яъни, касаба уюшмасига тўланаётган бир фоиз бадал пулининг ярмини мажбурий тиббий суғурта учун сарфланадиган қилиб қўйиш лозим.**

Бугунги кунда бемор бўлиш жуда "қўрқинчли". Нега дейсизми? Оддийгина, шамоллаб қолсангиз, камида 500-600 минг сўм сарфлашга тўғри келади. Энди бирор жиддий касалликларга кетадиган харажатларни кўз олдингизга келтираверинг. Қанчадан-қанча одамлар яшаб турган уйигача сотиб, яқинларини даволатаётгани ёки халқдан ёрдам сўраб мурожаат қилаётгани — бугуннинг энг оғриқли масалаларидан бири.

Аслида, тиббиётимизда ташхис қўйишнинг ўзи бир муаммо. Чекка ҳудудларда яшовчилар даво излаб пойтахтгача боришини ҳамма билади. Муаммолар кўп. Тиббиёт ходимларининг маоши камлиги, даволаниш ҳар қандай фуқаро учун жуда қимматга тушаётгани, пули йўқлиги боис вақтида даволанмай, касалликнинг охирги босқичида мурожаат қилаётганлар, дори-дармонига пул топа олмаётганлар ва ҳоказо.

Тиббий суғурта учун пул касабадан олинса... ушлаб қолинади. Ҳисоблаб чиқилганда, бу солиқлардан ҳам кўп тўлов, аслида. Агар бир кишининг маоши уч миллион сўм бўлса, бу касаба уюшмасига бир йилда 360 минг сўм бадал пули тўланишини билдиради. Бироқ йиллар давомида "взнос" тўлаб, ҳеч қандай имкониятдан фойдалана олмаганлар сони талайгина.

Бизнингча, мажбурий тиббий суғуртани айнан касаба уюшмаси орқали амалга ошириш энг қулай вариант бўлган бўларди. Қандай қилиб дейсизми? Ўша тўланаётган бир фоиз бадал пулининг ярмини мажбурий тиббий суғурта учун сарфланадиган қилиб қўйиш керак. Шундагина аҳолига ҳам оғирлик қилмайди.

Бунда шундай бир тизим яратилиши керакки, мажбурий суғурта қилинган шахснинг суғурта полиси бошқа оила аъзоларига ҳам ўтиши керак. Ота-онасига, турмуш ўртоғига ёки фарзандларига ҳеч қандай ортиқча тўловсиз амалга оширилиши лозим. Бу эса мажбурий суғурта орқали одамларнинг оғири енгил бўлиши, қанчадан-қанча даволана олмай, сарсону саргардон бўлиб юрган юртдошларимиз учун имконият бўлармиди.



**ХЎШ, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

Неча йиллардан буён тиббий суғурта ҳақида гапирилади. Аммо натижа нолга тенг. Чунки одамлар тиббий суғуртага мутлақо ишонмайди ва ортиқча пул сарфлашга хоҳиши ҳам, имкони ҳам йўқ. Аммо жуда кўп хориж давлатларида айнан тиббий суғурта туфайли аҳоли учун қулайлик яратилган ва тиббиёт ходимлари учун шароитлар қилинган.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги қарорига мувофиқ "Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тажриба-синов тариқасида объект сифатида танланган Сирдарё вилоятидаги шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида янги суғурта тизими ва уни татбиқ этишга бағишланган қатор ишлар бошлаб юборилди. Аммо натижа ҳали кўринганича йўқ.

Қандай йўл тутиш мумкин? Албатта, ҳеч бўлмаганда, давлат корхонасида ишлаётганларни мажбурий суғурта қилдириш тизимини яратиш лозим. Буни амалга ошириш учун осон ва маошга таъсир қилмайдиган йўлни танлаш керак. Мисол учун, ягона касаба уюшмасига ҳар йили миллионлаб одамлар бадал пули тўлайди. Яъни, маошидан бир фоиз "взнос"

Агарда суғурталаш тизими жорий этилса, биринчидан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўлами янада ошади. Иккинчидан, хавфли касалликларга чалиниш эҳтимоли камайиб, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш имкони пайдо бўлади. Учинчидан, суғурта бозори ривожланади. Қолаверса, тез тиббий ёрдам тизимининг транспорт, барча тиббиёт муассасаларининг дори-дармон билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланади, тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари босқичма-босқич ошириб борилади.

Балки яна бошқа таклифлар чиқиб қолар. Нима бўлган тақдирда ҳам ҳар қандай тизим аҳоли манфаати учун хизмат қилиши керак. Агар мажбурий тиббий суғурта тизими яратилса, у тўғри йўлга туширилса, одамлар ўз хоҳиши билан тиббий суғурталарни амалга оширган бўлармиди.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## Бир рақам шарҳи

**Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилнинг январь ойида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1 триллион 508,9 миллиард сўмга етиб, таққослама эквивалентда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,3 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 378,2 минг сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,1 фоизни ташкил қилди.**

**Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.**

**Бизнес-омбудсман нима мақсадда ташкил этилганлигини дастлаб кўпчилик яхши билмас эди. Аммо фаолиятимиз давомида тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлишга, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишга интиляпмиз.**

# Ҳоким қарори ҳақиқий эмас, деб топилди

Бизнес-омбудсманнинг вилоятдаги ходимларига тадбиркорлик субъектларидан 481 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 217 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 264 та (тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган) сига тушунтириш берилган.

Мурожаатларни ўрганиш давомида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органларига 155 та (13 та тақдимнома, 6 та даъво ариза, 6 та хулоса, 1 та огоҳлантириш ва 128 та маъмурий баённома) таъсир чоралари қўлланилган.

Мисол учун, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2021 йил 30 июндаги қарори билан "POKIZA ZINNURA" нодавлат таълим муассасасига хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасаси қурилиши учун ажратилган ер майдони қонунга зид равишда ҳокимлик захирасига қайтариб олинган. Ҳолат бўйича Самарқанд туманлараро маъмурий судига даъво ариза киритилди.

Суднинг 2021 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан ҳокимнинг қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, бизнес-омбудсманнинг вилоятдаги ходимлари аралашуви билан тадбиркорлик фаолияти учун 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ўрганилиб, 4 минг 76 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича 128 нафар мансабдорга нисбатан қонуний чора кўрилиб, давлат фойдасига 147 миллион сўм жарима ундирилган.

**Аброр ИБРАГИМОВ, Бизнес-омбудсманнинг вилоятдаги ходими.**

# Топонимик жой номлари қачон қонунга мос бўлади?



**Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти томонидан "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижроси бўйича вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳудудга чиққан ҳолда ўрганилиб, давлат реестри базасида жамланган номлар билан солиштириб чиқилди.**

Унга кўра, Самарқанд шаҳридаги Талабалар, Жалолиддин Мангуберди, Истиқлол, Ипакчи, Дарғом, Обираҳмат каби 10 та кўча номлари туманлар миқёсида ҳам давлат реестрида ҳам такрорлиги аниқланди. Сўғдиёна истироҳат боғи давлат реестрида мавжуд бўлгани ҳолда ҳудудда ушбу номдаги объект мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, Хўжа Ғулом, Саидмаҳалла, Мароканда, Бағдод маҳаллаларининг номлари давлат реестрида нотўғри ёзилган. Шодиёна маҳалласи ва Чақар кўчасининг номлари реестрга киритиш учун ҳужжатлари кадастр агентлигига тақдим этилмаган.

Самарқанд шаҳрида жойлашган Шоҳи Зинда, Хўжа Дониёр, Ҳазрати Хизр, Амир Темур каби 10 та муқаддас зиёратгоҳ ва 40 та маҳалла қабристонларининг номлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилмаган, бу ҳақда ҳатто халқ депутатлари шаҳар Кенгаши қарори чиқарилмаган.

Каттақўрғон шаҳридаги Ўрикзор маҳалласининг номи ҳам кадастр ҳужжатлари рўйхатидан ўтказилмаган. Шу пайтгача шаҳардаги 22 та кўчанинг номлари такрор эканлиги ҳеч кимни қизиқтирмаган. Мазкур кўчаларни қайта номлаш бўйича ҳудудий комиссия зарур чора кўрмаган. Шунингдек, 100 га яқин кўча, 2 майдон, 1 та хиёбон ҳамда 7 та қабристоннинг номи белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилмай қолган. Буларга халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг қарори ҳам чиқарилмаган ва реестрга киритилмаган.

Жомбой туманидаги 13 аҳоли пункти, 189 та кўчанинг номлари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса-да, бироқ бу объектлар туман ҳудудида мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, Ёшлар истироҳат боғи, Шайх Худойдоди Вали бобо зиёратгоҳи ҳамда туман ҳудудидаги 69 та қабристон "Географик объектларнинг номлари тўғрисида" Қонунга зид равишда давлат экспертизасидан ўтказилмай, давлат рўйхатига киритилмаган.

Оқдарё ва Самарқанд туманларида 2 тадан, Каттақўрғон туманида 14 та кўча номи такрор эканлиги маълум бўлди. Пайариқ туманида Бўри, Қаҳрамон, Муҳаммади, Райим, Чолмуйин ва Эмалач маҳаллалари ва 8 та аҳоли яшаш пункти давлат реестрига киритилган, ўрганишлар натижасида ушбу номдаги объектлар ҳудудда мавжуд эмаслиги аён бўлди. Улар ҳам экспертизадан ўтказилмаган. Бу каби хато ва камчиликларга Нуробод, Нарпай, Қўшработ, Пахтачи, Паст Дарғом туманларида иш олиб бораётган ҳудудий комиссиялар фаолиятида ҳам йўл қўйилган.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

▶▶ Хотира уйғонса гўзалдир

# Отам фахримиз, таянчимиз эди



**Шундай кишилар борки, танлаган соҳасида юксак натижаларга эришиш, барчага наф етказишни ўйлайди. Отам – Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси аллергология ва пульмонология бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори Неъматилла Араловни ана шундайлар тоифасига киритишни истардим.**

Отам Каттақўрғон туманида туғилган. 1975 йил ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўқиган. 1981 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Самарқанд шаҳар 1-сон шифохонасида врач интерналикни давом эттирди.

Н.Аралов меҳнат фаолиятини бошлаган даврданоқ касбга бўлган садоқатини кўрсатиб, жамоа назарига тушди, ҳурмат қозонди. У 1985 йилда шифохонанинг терапия бўлими мудирлигига тайинланди. Унинг раҳбарлигида бўлим базасида институтнинг клиник аллергология ва иммуно-генетика курси ташкил этилди.

Профессор Н.Ҳайитова раҳбарлиги остидаги курсда амалиётни назарий билимлар билан бойитиш имконияти ёш врачга илҳом бағишлади. Н.Аралов 1987 йилда устози А.Давидьян билан ҳамкорликда ўзи ишлаётган бўлим қошида аллергология бўлими фаолиятини йўлга қўйди. Д.Шокирова, А. Жалилов, А.Бозорова каби ёш олимлар кучи билан вилоятда ягона бўлган аллергология-пульмонология мактаби шаклланди. 2005 йилда Н.Аралов докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Тажрибали шифокор Н.Аралов бир қатор халқаро илмий-амалий конференцияларда иштирок этди. Жумладан, 2003 йилда Австрияда Европа респиратор жамияти илмий-амалий конгрессида иштирок этиб, олтин, 2007 йилда Туркия Торакал жамиятининг кумуш совринларини қўлга киритган. 2012 йилда Австрияда, 2013 йилда Лондонда пульмонология ва аллергология соҳасида малакасини оширган.

Н.Аралов Самарқанд тиббиёт институти марказий ва тармоқ илмий-муаммо комиссиясида кенгаш аъзоси эди. У Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси маънавият ва маърифат кенгаши раиси, 4-ички касалликлар ва гематология кафедраси мудири лавозимида ишлаган даврларда ҳам самарали фаолият олиб борди.

Тажрибали тиббиётчи-педагог Н.Аралов талабалар ва амалиёт шифокорлари учун ёзилган ўнлаб ўқув-услубий қўлланмалар ва монографиялар муаллифи эди.

Отам 1995 йилда "Sihat shifo" хусусий клиникасига асос солди. Кейинчалик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган "Doctor Aralov Medikal" хусусий клиникасини ташкил этди. Бугунги кунда мазкур муассаса нафақат вилоятимиз, балки қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ютуқлар отамнинг хизмати туфайли эканлигидан фахрланаман. У инсонлар соғлиги учун курашиб яшади ва шу йўлда доим изланди. Унинг ҳали режалари бисёр эди. Афсус...

Фақат бир нарса биз, оила аъзоларига, отамнинг яқинларига тасалли беради - унинг эзгу ишлари давом этмоқда, фарзандлар, шогирдларнинг қалбини қуёшдек ёритиб, йўл кўрсатмоқда.

**Феруза НИЯЗОВА,**
**"Doctor Aralov Medikal"**
**хусусий клиникаси аллерго-пульмонология бўлими мудири.**

▶▶ Сўранг, жавоб берамиз

## БОЛАЛАР НАФАҚАСИ БИР ЙИЛГА ТАЙИНЛАНАДИ, АММО...

**Болаларга нафақа тайинлашда оиладаги болалар сони ҳисобга олинадими?**
Ш.МАННОПОВА,
Жомбой тумани.



**Қандай оилалар кам таъминланган дейилади?**
У.САТТОРОВ,
Пахтачи тумани.

2021 йилнинг 1 сентябридан – оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад 440 минг сўмдан ошмаганда, 2022 йилдан бошлаб – оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган, деб эътироф этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади.

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади. Бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича, 18 ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола (болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдорлари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

**Саволларга Самарқанд шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси етакчи мутахассиси Гулбаҳор МЎМИНОВА жавоб берди.**



*Ўтган йили вилоят ва Каттақўрғон туман ҳокимликлари ташаббуси билан вилоят бозорлар уюшмаси кўмагида Тасмачи маҳалласидаги "Тасмачи М.А.Т." МЧЖ деҳқон бозори 1 миллиард сўм сарфлаб, тўлиқ реконструкция қилинди. Қайта юз очган мазкур бозорда 250 кишига мўлжалланган озиқ-овқат, мева-сабзавот ва кийим-кечак сотиладиган расталар бунёд қилинди.*

*- Бозоримиз асосан ҳафтанинг чоршанба куни гавжум бўлади, - дейди бозор иш юритувчиси Бектош Алимов. - Каттақўрғон ва Пайшанбадан миллий ширинликлар келса, Жиззахдан тилими тилни ёрар қовун-тарвуз, Ҳайдаркўлдан балиқ маҳсулотлари, Хатирчи туманининг Учқора қишлоғидан келадиган тенги йўқ қора кишмиш майизлари элимизга манзур бўлмоқда.*

*Бугунги кунда Каттақўрғондан ташқари Нарпай тумани, Навоий вилоятининг Хатирчи тумани аҳолиси ҳам ўзларига яқин ва қулай бўлган мазкур бозордан савдо-сотиқ қилади. Сотувчи ва харидорлар учун етарли шарт-шароит яратишда бозор ходимлари Ф.Содиқов, У.Олимов, Б.Толипов ва А.Маматовларнинг хизмати катта бўлмоқда.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

**2021-2022 ўқув йилида битирувчиларини йўлланма асосида ишга тақсимлашга киришилганлигини маълум қилади**

**Замонавий ахборот коммуникацион технологиялари, дастурлаш соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, замон талабларига жавоб бера оладиган ва рақобатлаша оладиган ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилотлар ва таълим муассасалари ТАТУ Самарқанд филиали директори номига талабнома хатлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Корхоналар мутасадди шахсларининг битирувчи талабалар билан учрашув ўтказиши ҳамда тақсимот маросимларида иштирок этиши учун барча шароитлар яратиб берилади.**

**ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ:**

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи | Битирувчилар сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхандарё вилояти | Фарғона вилояти | Қашқадарё вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент вилояти | Тошкент шаҳри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 5350501 - Компьютер инжиниринг ("Компьютер инжиниринг") | 106 | | 1 | 2 | 7 | 4 | | 83 | | 4 | | 4 | 1 | | |
| 2 | 5350501 - Компьютер инжиниринг "АТ Сервис" | 73 | | | | 10 | 1 | | 60 | | | | 2 | | | |
| 3 | 5350600 - Дастурий инжиниринг | 100 | | | 3 | 6 | 6 | | 77 | 1 | 2 | | 5 | | | |
| 4 | 5350400 - Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими | 31 | | | 1 | 2 | 3 | | 23 | 2 | | | | | | |
| 5 | 5350101 - Телекоммуникация технологиялари (телекоммуникация) | 81 | | | 2 | 9 | 4 | | 62 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | |
| 6 | 5330300 - Ахборот хавфсизлиги | 31 | | | | | 2 | | 27 | 1 | | | 1 | | | |
| | **Йўналишлар бўйича жами** | **422** | **0** | **1** | **8** | **34** | **20** | **0** | **332** | **5** | **7** | **1** | **12** | **2** | **0** | **0** |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 5А330501 - Компьютер инжиниринг ("Компьютер тизимларини лойиҳалаш") | 37 | | | | 1 | 1 | | 33 | 1 | | | 1 | | | |
| 2 | 5А350101 - Телекоммуникация инжиниринги (телерадиоэшиттириш) | 11 | | | | | | | 11 | | | | | | | |
| | **Мутахассисликлар бўйича жами** | 48 | 0 | 0 | **0** | **1** | **1** | **0** | **44** | **1** | **0** | **0** | **1** | **0** | **0** | **0** |
| | **Филиал бўйича жами** | **470** | **0** | **1** | **8** | **35** | **21** | **0** | **376** | **6** | **7** | **1** | **13** | **2** | **0** | **0** |

**Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчаси, 2-уй.**
**ТАТУ Самарқанд филиали, маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими ҳамда "Карьера маркази".**
**Мурожаат учун телефон: +99866-232-28-61, e-mail: tatusf_mxb@mail.ru**
**Телеграмм рақами: +99893-992-18-09.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Ургут туманидаги "URG IDEAL TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304980187) ўз устав фонди миқдорини 191 225 081 (бир юз тўқсон бир миллион икки юз йигирма беш минг саксон бир) сўмдан 18 450 000 (ўн саккиз миллион тўрт юз эллик минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут тумани Андак маҳалласи, Акмал Икромов кўчаси.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Уразов Болибек Ташкенбаевичга (2018 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Худойқулова Фарогатга (2011 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Саидова Кимё Файзуллаевнага (2020 йил 5 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Тўраева Ранога (2020 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Пайариқ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Ахмадов Илхом Кучкарбоевич номига берилган UM 0156140 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Саидова (ҳозирда Облокулова) Нодира Фахридиновна номига берилган U № 0575366 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Мамадиярова Динора Отаяровна номига берилган U № 1668917 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

"Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали "Қўшработтумангаз" газ таъминоти бўлимининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтидан 1995 йилда Маҳкамов Тўлқин Собирович номига берилган рўйхат рақами 235, № 023283 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Ашўров Азиз Асламович номига берилган U № 6419629 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети 2-сон академик лицейидан 2017 йилда Бултаков Илхомжон Омонжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 123, L № 305666 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежидан 2020 йилда Мажидов Нурислом Соҳибжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 128, К № 5884234 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2012 йилда Мамадиярова Олима Эргаш қизи номига берилган рўйхат рақами 40, К № 2526871 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2013 йилда Хатамова Маликабону Уктамовна номига берилган рўйхат рақами 701, К № 2940621 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимининг қурилиш, уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва алмаштириш бошқармасидан 1993 йил 27 апрелда Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси, 144-уй, 110-хонадонни Бегматов Эркинга тегишли эканлигини тасдиқловчи 4113 рақамли давлат далолатномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 88-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Курбанов Шерзод Махмудович номига берилган U № 1139665 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 1999 йилда Турсунова (ҳозирда Хамзаева) Гулсума Махмутовна номига берилган O'R-A № 475639 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Жулбеков Жалолиддин Тоҳир ўғли номига берилган рўйхат рақами 268, К № 5137038 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Мухаммадиева Маржона Алишер қизи номига берилган UM № 0151375 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Саитмуратова Юлдуз Улмасовна номига берилган U № 4303897 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари Булунғур тумани ҳокими Самандар Астановга онаси

**Ойдин ая РАЖАБОВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат университети тарих факультети жамоаси археология кафедраси катта ўқитувчиси Саъдулло Шариповга турмуш ўртоғи

**Малика она НУСРАТОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари «Касаба зиё» НТМ ижрочи директори Мусурмон Мамадиёровга турмуш ўртоғи

**Менаввар АБДУСАТТОРОВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

